

## **ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ШАХС ЭРКИНЛИГИНИНГ ИЖТИМОЙ – ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ**

**ҚарМШИ ўқитувчиси,**

**Ф.ф.н. Шоназаров Ж.Ш.**

Мамлакатимиз ХХI асрнинг дастлабки йилларида ўз ривожланишининг аниқ йўналишларини белгилаб олди. Юртбошимиз Ислон Каримов бу йўналишларнинг мазмун ва маъносига тўхталиб, “...бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидоийлик билан кураша олиши мумкин” лигини таъкидлаб ўтганлар.<sup>1</sup> Жамият ҳаётини демократлаштириш ва унда шахс эркинлигини муҳим омил сифатида ҳарактерланишининг маъно ва моҳиятига кура, мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ўзгаришларнинг асосий бўғини эканлиги билан ифодаланади. Мустақиллик йилларида миллий, умуминсоний қадриятларга, ижтимоий ва ахлоқий меъёрларга асосланган ҳолда шахс эркинлигини таъминлаш ҳосиласида фуқаролик жамияти куриш натижалари бу йўлда эришилган дастлабки босқич сифатида баҳоланмоқда. Айни чоғда, шахс эркинлиги мазмунидаги мавжуд тушунчалар ўз навбатида демократия, демократлаштириш мезонларига эҳтиёж сезади. Сабабки, улар бутун тарихий эврилишлар мобайнида бир-бирини истисно қилмаган ҳолда ўзаро ҳамкорликда шаклланган инсоний фазилатлардир.

Жамиятни демократлаштиришнинг турли даражаларида эркинлик муаммоси турлича талқин этилган. Дейлик “табий эркинлик”, “фуқаролар эркинлиги”, “шахс эркинлиги”, “эркин фикрлилик”, “сиёсий эркинлик”, “ахлоқ эркинлиги”, “диний эркинлик” ёки “эътиқод эркинлиги” каби махсус атамалар ишлатилган. Эркинлик ғояси кўпинча тенглик ғояси билан ҳамоҳанг. У инсон мавжудлигининг муҳим, айни маънода, зарурий жиҳати

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. -Тошкент: “Маънавият”, 2008. 16-бет.

сифатида намоён бўлади. С.Л.Франк ёзганидек, “Эркинликни рад этишнинг ҳар қандай қуриниши маънан ўзини-ўзи ўлдиришдир, бошқанинг эркинлигига тажовуз қилиш эса инсонни ўлдиришга қасд қилиш ифодасидир”.<sup>2</sup> Шунинг учун инсоният нафақат эркинликни таъминлаш учун курашган, балки уни турли қарашлар орқали ҳимоя қилган. Инсоният ҳаётида мақсад-манфаатларнинг турли-туманлиги “шахс эркинлиги”га ва “эркинлик”ка нисбатан азал-азалдан дунёвий ва диний ёндашув ҳамда қарашларнинг вужудга келишига сабаб бўлган. Айрим қарашларда эркинликни инсонлар учун англаб олинган зарурият деб қарасалар, бошқалар эса, юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган баркамол инсонларнинг имконий воқеликка асосланган олийжаноб фазилатлари, деб ҳисоблайдилар. Юқоридаги фикрлардан шу нарса аён бўладики, инсоннинг эркинлиги унинг рухий эркинлиги билан боғлиқ ҳодисадир. Чунки, руҳ, тафаккур эркин бўлмасдан тана ўз заруриятини англаб ололмайди. Ушбу тушунчаларнинг турлича бўлишига асосий сабаб, эркинликнинг инсон табиати билан боғлиқ ҳодиса эканлигидир. Шу сабабдан ҳам эркинликнинг қоидалари ва фойдаланиш усуллари ўзига хос ўзгарувчан хусусиятга эга.

Бундай ўзига хос ўзгарувчанлик эркинликнинг кишилик жамиятида баъзан ошқора, баъзан хуфёна, айти маънода тартибсизликларни вужудга келтирувчи ҳолатлар билан белгиланади. Эркинлик маълум маънода имконий воқеликлар чегарасидан чиқмаган ҳолда тартибга солиниши керак. Зеро, эркинлик фалсафада бутун ижтимоий тарих давомида инсоният ва инсон шахси ҳаётининг ўткир муаммоларидан бири бўлиб келди. Чунки, эркинлик ижодий яратувчи, фаол, ўз олдига қўйган мақсади сари ҳаракат қилувчи инсоннинг эҳтиёжи бўлиб, унинг табиати билан боғлиқдир.

“... Тарих сабоқлари шундан далолат берадики, ўзининг эркин фикрини ифода этадиган шахс, гуруҳ ёки ижтимоий қатлам, аввало, ўзининг аниқ-равшан, асосли қарашларига эга бўлиши, ўз нуқтаи назарининг оқибати учун масъулиятни ўз зиммасига олиши, баҳс мунозара маданияти талабларига амал

---

<sup>2</sup> Франк С.Л. Духовные основы общества: введение в социальную философию. - М.: 1993. –С. 240.

қилиши лозим. Яъни, фикрлар ранг-баранглиги ва қарашлар хилма-хиллиги муайян жамиятнинг миллий манфаатларига, умумбашарий қадриятларга, қонун нормаларига, ахлоқий мезонларга зид бўлмаслиги зарур”.<sup>3</sup> Миллий истиқлол ғоясининг фикрлар, ғоялар хилма-хиллигига эришиш тамойилига амал қилиши мамлакат маънавий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишида аҳолининг кенг оммасини юксак эркин фикрлилик даражаси билан иштирок этишини таъминлашга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, ҳеч шубҳасиз, шахс эркинлигига нисбатан жамиятни демократлаштиришнинг бошланғич ва энг муҳим омили сифатида қараш мумкин.

Фикрни эркин айтиш ва айта олишга журъатли бўлиш озод шахсга хос хусусиятдир. Озод шахс ва фуқаро тушунчалари уларнинг жамиятнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаётига дахлдор бўлган муаммоларга ўз муносабатини эркин билдириши билан ҳам боғлиқ.<sup>4</sup> Айни дамда, бугун жамиятда демократлаштириш ислохотларини тадрижий йўл билан олиб бориш муносабатида шахснинг эркинликка эгалик қобилиятини кафолатлашнинг ўзи ҳали унинг амалда эркинликка эга эканлигини тўла англаб етганлигини билдирмайди. Унинг муносиб тарзда амалга ошиши қуйидаги омиллар билан боғлиқ: **биринчидан**, шахс ўз эркинлигини бутун қалби ва эътиқоди билан онгли тарзда англаб етиши; **иккинчидан**, шахснинг маънавий ва ички дунёқараши кенг даражада бўлиши; **учинчидан**, шахс ўз ҳақ-ҳуқуқларини зарурият даражасида билиб, чуқур англаб етиши; **тўртинчидан**, шахснинг ўз кучи ва имкониятига таяниши, ўзига ишончи; **бешинчидан**, жамиятда юз берадиган воқелик ва ҳодисаларга нисбатан муносабатда ўзининг эркин фикр ва қарашига эгаллиги, мустақил ёндашиши; **олтинчидан**, ўз шахсий манфаатларини жамият манфаатлари билан уйғун ҳолда кўришидир. Шунда Юртбошимиз Ислом Каримовнинг: мустақил бўлсанг, мустақил бўл, эркин бўлсанг, эркин бўл, озод бўлсанг, озод бўл, деган сўзлари, амалда уни тўла англаб етиб, унга эришиш тўғрисида

---

<sup>3</sup> Каримов И.А. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 2000. 20-бет.

<sup>4</sup> Қаранг: Жамиятни эркинлаштириш ва маънавият. -Тошкент: “Академия”, 2002. -14-бет.

бораётганлигини юракдан ҳис этиш мумкин.

Эркинлик ва шахс эркинлиги ўзига хос бўлган миллий ва дунёвий қадриятлар ҳамда ахлоқий меъёрлар негизида, бир-бири билан уйғун ҳолда шаклланади. Шахс эркинлиги улар фаолиятининг бош мезонига айланмоқда. Бу XXI аср бўсағасида мамлакатимизда белгиланган жамият ҳаёти соҳаларини демократлаштириш, комил инсонларни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Эркинликка интилувчи, унга нисбатан эҳтиёж сезувчи, эркин фикрловчи, озод ва эркин шахслар фаолияти орқали жамият ҳаётини янада демократлаштиришга эришилади.

Кўришиб турибдики, эркинликни тушуниш ёки тушунтириш замон руҳига мос равишда ўзгариб такомиллашиб боради. Жамиятни демократлаштириш муносабатлари шахс эркинлигини, унинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш билан ўзвий боғлиқ. Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек, ...бугунги инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари, уларни ҳар томонлама ҳимоялаш ва таъминлаш, жамиятни демократлаштириш ва эркинлаштириш йўллари ҳақида гапирар эканмиз, бу мавзу дунёда ҳар доим, айниқса, сўнги пайтларда энг ўткир ва долзарб масалага айланиб борётганини яққол кузатиш мумкин ва буни табиий ҳол, деб қабул қилишимиз керак.<sup>5</sup> Зеро, инсоннинг шахс сифатида шаклланиши жамиятга боғлиқ бўлганидек, жамиятнинг демократик тараққиёти ҳам унда яшайдиган эркин шахсларнинг амалий фаолиятига боғлиқдир. Улуғ аллома Форобий жамиятнинг ўзгариши жамият аъзолари бўлган эркин инсонларга боғлиқ эканини алоҳида таъкидлаган эди. Бинобарин, ҳар бир даврда шахс ва жамият уйғунлиги, бу уйғунликни таъминлайдиган дунёвий ва диний қадриятлар, ахлоқий меъёрлар, маънавий мезонлар алоҳида аҳамият касб этган.

Жамиятни демократлаштириш мезони тарихий тараққиёт давомида шаклан ва мазмунан бойиб борган. Бу жараён бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Зеро, жамият ҳаётини демократлаштириш энг ривожланган

---

<sup>5</sup> Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари — энг олий қадрият. 14-жилд. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2006. -118-бет.

давлатларда ҳам юқори такомил нуқтасига, идеал даражасига эришгани йўқ. Ҳар бир миллат ва жамият, ҳар бир давр демократияни тушуниш, талқин этиш ва амалиётда қўллашда ўзига хосликка эга бўлади. Бу ўзига хослик халқнинг босиб ўтган тарихий йўли, миллий менталитети, анъаналари, амалдаги ижтимоий муносабатларнинг характери каби бир қатор омиллар билан белгиланади. Жамият ҳаётини демократлаштириш характерини белгиловчи умумий мезонлар бор. Бу демократиянинг умумий тамойилларига риоя қилиниши, демократик институтларнинг мавжудлиги ва уларнинг фаолияти билан боғлиқдир. Жамиятни демократлаштириш моҳиятан инсоннинг ҳар томонлама камол топиши учун берилган имконият, шахс билан жамият манфаатларидаги уйғунликни таъминловчи омилдир.

Ҳозирги вақтда турли ниқоблар остида мамлакатимизни “демократлаштириш” мақсадида ҳар хил нодавлат ташкилотларни кўпайтириш ва ривожлантириш учун беғараз ёрдам берамиз, деб жар солаётганлар сони кўпайиб бормоқда.<sup>6</sup> Айни пайтда, жамият ҳаётини демократлаштириш тўғрисида қабул қилинган қонунлар, амалдаги тартиб-қоидалар ёрдамида шахс ҳаёти ва фаолиятини тартибга солувчи механизмни яратиш ҳам мумкин. Бугунги кунда аксарият мамлакатларда жамият ҳаётини демократлаштириш, уни такомиллаштириш жамиятнинг яшаш тарзига айланиб қолди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, жамиятни демократлаштириш муносабатида шахс эркинлигини таъминлаш масаласида Ғарб демократияси ҳуқуқий қонунларга суянган ҳолда иш кўради. Яъни индивидуал шахс ва жамият эркинлиги масаласи қонунга мувофиқ тартибга солинади. Бироқ, ижтимоий ҳаётда юзага келадиган барча муаммоларга, воқеликларга ва ҳолатларга ҳуқуқий меъёрларга асосланган қонундан жавоб топиб бўлмайди. Бундай ҳолларда шарқда асрлар мобайнида шаклланиб, синовдан ўтган дунёвий ва диний, ахлоқий ва маънавий қадриятлар қўл келади. Шарқда ҳам

---

<sup>6</sup> Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари — энг олий қадрият. 14-жилд. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2006. -144-бет.

шахс эркинлиги ва унинг ҳуқуқий манфаатлари мукамал даражада ҳисобга олинади. Бунда, аввало, шарқона демократия принципи устувор туради. Лекин шахс хатти-ҳаракати, хулқ-атвори, жамиятдаги ўрни, масъулиятини идрок этиш ҳолатларига баҳо берилганда муайян гуруҳ, этнос, халқ, миллат, жамиятнинг манфаатлари, ҳуқуқларига алоҳида қадриятлар, анъаналаридан келиб чиққан ҳолда ёндошилади. Айти маънода, жамиятни демократлаштириш жараёни бу ҳар икки омилдан уйғун ҳолда фойдаланиш эркинликни ва ўз кадр-қимматини, инсоний ғурурини барча нарсдан устун қўядиган курашчан авлод дунёга келишининг кафолатидир.

Бизнингча, мазкур муаммоларнинг яна бошқа бирламчи сабаблари ҳам мавжуд бўлиши эҳтимолдан холи эмас. **Биринчидан**, жамиятни демократлаштириш муносабатида шахс эркинлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари бўлмаса, ахлоқий меъёрлар инсон манфаатлари учун хизмат қилмаса, кишилар ўртасида ахлоқсиз муносабатлар устуворлик қилади. **Иккинчидан**, шахс эркинлиги ва демократлаштириш жараёнлари миллатнинг маънавий табиати ҳамда хусусияти билан боғлиқ бўлган иллатларда ҳам намоён бўлади. **Учинчидан**, шахс эркинлиги доимо демократлаштириш тамойилларига ва қонун қоидаларига бўйсунди ҳамда унга муҳтож бўлади. Мазкур муаммоларни ҳал этишнинг бир ёқлама томони шундаки, истиқлолга эришганимиздан сўнг қайта тикланган, янги тафаккурда миллий ва дунёвий қадриятларни эъзозлаш, ахлоқий меъёрларни янада такомиллаштириш, унинг қамровида шахснинг эркинлик фазилатларини сингдириш энг олийжаноб ечим ҳисобланади.

Мавзумизда шахс тушунчаси, эркинлик, шахс эркинлиги ва жамиятни демократлаштириш тўғрисидаги тушунчаларни умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулосаларга келамиз:

**Биринчидан**, шахснинг шаклланиши, унинг ижтимоийлашуви билан боғлиқ ҳолда узоқ давом этадиган мураккаб ва зиддиятли жараёндир. Зеро, шахс жамиятда биоижтимоий жиҳатдан шаклланган ва воқеа-ҳодисаларга нисбатан ижтимоий муносабатда бўлган инсондир. Шахс шаклланишининг

объектив ва субъектив омиллари, яъни тараққиётнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий асослари хусусан бу тарихий жараёнда яратилган миллий ва умуминсоний қадриятлар шахс маънавияти асосини ташкил этади;

**Иккинчидан,** эркинлик, шахс эркинлиги ва жамиятни демократлаштиришга қаратилган муаммоларнинг ечими бир мақсадга — инсон манфаатига хизмат қилишига қаратилган. Шу жihatдан уларнинг айрим хусусиятларини инобатга олган ҳолда мувофиқлаштириш даражаларини ривожлантириш муҳим илмий аҳамият касб этади;

**Учинчидан,** эркинлик, шахс эркинлиги ва жамиятни демократлаштириш категорияларининг жамият ҳаётида ахлоқий, ижтимоий, маънавий воқеликларини инсон хулқ-атвори, хатти-харакати аниқроғи, умумэътироф этилган миллий ва дунёвий қадриятлар тизимида, анъанавий ва замонавий ахлоқий меъёрларга мос келишини таъминловчи ҳамда белгиловчи услуб сифатидаги аҳамияти очилди. Уларнинг шахс хулқ атвори ва истак-майллари ички тартибга солиш, адолат, тенглик ҳуқуқий муносабатлар ва инсоний манфаатлар устуворлигини уйғунлаштиришга қаратилган илмий омиллари очиб берилди;

**Тўртинчидан,** эркинлик, шахс эркинлиги, диний ёки эътиқод эркинлиги, айти пайтда, ушбу мезонларнинг фуқаролик жамияти куриш муносабатидаги муҳим омил сифатидаги хусусиятлари, таснифлари тадқиқ этилди;

**Бешинчидан,** миллатнинг истиқболга эришуви борасида шахс эркинлиги тамойилларини амалий фаолиятга кўчириш, уларнинг ижтимоий-фалсафий таҳлилларини ишлаб чиқиш, ёки улар фаолиятига нисбатан қандай омиллар тўғоноқ бўлаётганини тахмин қилиб бориш, ушбу жараёнда мунтазам мониторинг тизимини ташкил этиш, шахс эркинлиги мезонларини жамият ҳаётини демократлаштириш тамойиллари негизида олиб боришнинг тавсияларини тайёрлаш имконини беради. Яъни, эркинлик, шахс эркинлиги мезонларининг фуқаролик жамияти куриш тамойилларига мувофиқлик даражасини белгилаш, халқнинг, миллатнинг миллий ва диний қадриятлари

тизимига, ахлоқий меъёрлар, конун қоидаларга қанчалик амал қила олаётганликларини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиб бориш билан боғлиқ бўлган илмий дастурларни ишлаб чиқишга, хулосалар беришга хизмат қилади.

## **РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада жамиятни демократлаштириш ва шахс эркинлигининг назарий фалсафий асослари тадқиқ қилиниши билан бир қаторда шахс эркинлигининг жамиятни демократлаштириш жараёнидаги муҳим омил эканлигига доир сифатлари очиб берилди.

## **The resume**

In this article, the basis of philosophical and theoretical sides of democratization in society and freedom of human being is researched. As well as, it is proved that the freedom of human being is a vital factor in the process of democratization of the society.

## **Резюме**

В этой статье исследуется основание философских и теоретических сторон демократизации в обществе и свободе человека. А так же, доказано, что свобода человека - жизненный фактор в процессе демократизации общества.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. -Тошкент: “Маънавият”, 2008. 16-бет.
2. Франк С.Л. Духовные основы общества: введение в социальную философию. - М.: 1993. –С. 240.
3. Каримов И.А. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2000. 20-бет.
4. Жамиятни эркинлаштириш ва маънавият. -Тошкент: “Академия”, 2002. -14-бет.
5. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. 14-жилд. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 2006. -118-бет.
6. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари — энг олий қадрият. 14-жилд. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 2006. -144-бет.